


Куч — адолатда



АДОЛАТ

Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий газета

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган 2003 йил 9 май 18 (409) ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ Сотувда эркин нарҳда

ДУНЁ ЭЪТИРОФ ЭТГАН ТАРИХИЙ ВОҚЕА

Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки Бошқарувчилар Кенгашининг 4-5 май кунлари Тошкентда бўлиб ўтган XII йиллик йиғилиши якунларига доир



Ўзбекистон ўз мустақиллигини кўлга киритгач, юртимизда Президентимиз Ислам Каримов бошчилигида демократик ўзгаришлар жадал бошлаб юборилди. Утган қарийб ўн икки йил мобайнида бир неча ўн йилликларда қилиниши мумкин бўлган буюқ бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бунинг ҳозир бутун жаҳон аҳли билиб, қуриб, эътироф этиб турибди. Қуни кеча мамлакатимизга ташриф буюрган бир қанча хорижий мамлакатларнинг вакиллари бунинг яна бир бор таъкидладилар.

Мазкур банк мустақилликка эришган мамлакатларда иқтисодий тизимни шакллантиришда ўз сармоя воситалари билан ёрдам беради ва бу орқали иқтисодиёт тармоқларини ислоҳ қилишга, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг муҳофазаси ва бошқа лойиҳаларнинг амалга оширилишига молиявий томондан қўллаб-қувватлайди.

электр энергияси мажмуини такомиллаштириш, табиий манбаларни ушлаштириш, пахтани қайта ишлаш ва енгил санатнинг турли тармоқларини, туризм инфратузилмасини тараққий эттириш ҳам қўлда тутилган.

Айни пайтда ЕТТБ мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида унчи кредит линиясини очиб маррасини кўриб чиқмоқда. Бундан ташқари, ЕТТБ Ўзбекистондаги тижорат банкларининг молиявий имкониятларини ҳам таҳлил қилишга киришган.

Анжуманинг очилиш маросимига Ўзбекистон, Қозғоқистон, Қирғизистон ва Грузия Республикалари Президентлари, қўллаб-қувватлашга ЕТТБ томонидан 0,9 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилди. Бундан ташқари, ЕТТБнинг Директорлар Кенгаши мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга қаратилган 2 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредит линиясини ҳам маъқуллади.

Партия ҳаёти

ЧИНҚИШ МАКТАБИ

Бошқармаимизда Ўзбекистон "Адолат" социал демократик партиясининг бошланғич ташкилоти ташкил топганига икки йил бўлди. Ушанда ходимларимиздан 9 нафари партиямизга аъзо бўлиб, мени ўзларига етакчи этиб сайлагандилар. Ташкилотимиз фаолияти кейинги пайтларда анча жадаллашди. Яқинда бошқармаимизнинг илгор ходимларидан, тўғрисида ва ҳалол инсонлар Фахриддин Хомидов ва Ҳурматой Шокировларни партиямизга қабул қилдик.

Бошланғич ташкилотимиз сиёсий чинқиш мактабига айлиниб бормоқда. Яқинда яна икки ходимиз Насиба Муминова ва Махобуба Курбановалар "Адолат" партиясига аъзо қилишларини сураб ариза бердилар. Улар сиёсий муддатини ўташга тайёрлар. Улар меҳнатда ҳам, турмушда ҳам, жамоатчилик ишларида ҳам ўзларини намоян этишлари сиёсий ғоямизни чуқур англаб етиб ҳар томонлама муносиб эканликларини кўрсатишлари керак.

Бошланғич партия ташкилотимиз аъзолари бошқармаимизда асосан назоратчи бўлиб ишлайдиган ходимлардир. Улар доим халқ орасида, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда иш олиб борадилар. Демак, партиямиз ғояларини халққа етказиб "Адолат"нинг оубрунини кутаришда катта имкониятларга эгамиз. Булажак сайловларда фаол иштирок этиб, унда партиямиз учун нуфузли манбаларга эришмоқчимиз. Ушанда партиямиз ғояларини жамятга кенгрок олиб кириш имкониятларига эга бўлишимиз.



Болалар спорти

ТАНЛАШ ИМКОНИЯТИ

Маялукки, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида" қарори жойларда спортга эътиборни янада кучайтирди.

хоро туманлари ўқувчиларида ижобий силжиш бор. Аммо Олот, Пешку туманлари ўқувчи ёшлари фикри босқичида қўлгилга натижаларга эришолмадилар. Демак, мазкур туманларда спорт, жисмоний тарбия ишларини ривожлантириш учун чора-тадбирлар белгилаш зарур.

9 май — Хотира ва Кадрлаш куни



Бугунги байрамнинг шуқуқи ўзгача. Чунки бу кун кадр, меҳр-муруват кунси сабабидан қалбларимизда муҳрлиниб қолгусидир. Сабани, бу кун Хотира ва Кадрлаш кунси.


ИНСОН ҲИМОЯТИ — АДОЛАТ МЕЗОНИ

Бугунги кунда жиноятчиликнинг олдини олиш, жиноятчиликнинг ҳар қандай қўрнинишларига қарши курашиш долзарб масалага айланиб қолди. Эндиликда жазонинг шавқатсизлиги ва кескинлиги эмас, балки инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган чоралар кўпроқ самара беришини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

Кунни кеча Тошкент Давлат юридик институтида бўлиб ўтган "Иқтисодиёт асослари ва ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ жиноятчиликка қарши курашиш муаммолари" мавзусидаги конференция ҳам ўз эътиборини айнан мана шу масалаларга қаратди. Мазкур конференцияни институти ректори, юридик фанлари доктори, профессор Мирзаюсуп Рустамбоев кириш сўзи билан очди.

ЎТГАНЛАРНИ ХОТИРЛАШ, ТИРИКЛАРНИ

«БУ МАКОНДА МЕНИНГ ҲАМ НУРЖАҲОНИМ БОР...»



Малик ака Бойматов (ҳозир «Хамроҳ» газетасининг масъул муҳаррири) Муҳаммад Юсуф билан Тошкентда долмаси марҳум Ғайбулло ас-Салом хонадонига бориб юрганида танишган экан.

— Бир куни домланинг ҳовлиси-га кириб кетаётсам, гилос дарах-тининг панасида яшириниб турган бир қорача, озгин йигит мени им-лади, — деб хотирлайди Малик ака.

— Ака, илтимос, Назирани домла-га билдирмай чакриб юборинг, дея ўтинди у. Шу-шу ўша хонадон дарвозаси ёнида уни бир неча бор учратдим. Кейин танишиб ҳам ол-дик. Унинг исми Муҳаммад бўлиб, ўзи Андижоннинг Мингтепасидан, рус тили ва адабиёти олийгоҳида ўқиркан.

Мустақил «Хамроҳ» газетаси ташкил этилганда, Малик ака бахона биз ҳам шoir билан яқиндан тани-шидик. У кўп йиллар мобайнида газетамизни қўлаб-қуватлаб тур-ди. Шоирнинг қўлаб ҳали сиёҳи қуримган шеърлари «Хамроҳ»да босилган.

Ўша йиллари Муҳаммад Юсуф-нинг ташаббуси билан «Ассалом, Ўзбекистон» тонги кўрсатувиди «Хамроҳ»чиларга вақт ажратадиган бўлишди. Тақдир тақозоси билан кўрсатувда шоир билан камона ҳам чикишга мушарраф бўлди. Ўша куни ҳеч эсимдан чикмайд

— 17 март, туғилган куним эди. Ҳаяжонланганимдан дўпним бошим-да турмайди. У эса телекамералар рўпарасида худди дўстлари билан ҳамдардлашаётганга ўхшаб босик, аллақандай ҳазин товушда шеър айта бошлади:

«... Армоним бор, бу дунёда армоним бор, Кенг далада гуллар босган ўрмоним бор. Кизгалдоқлар бош эгиб қон йилғаб турган Бу маконда менинг ҳам нуржаҳоним бор...».

Айтмоқчи, Муҳаммад Юсуфнинг умр йўлдоши Назира ас-Салом ҳам шоира. Уларнинг хар иккаласини шеърлари жамланган «Эрка қийки» тўплами айнан Ёзёвонда тайёрлан-ганидан фахрланиб юрамиз. Муҳам-мад Юсуф Ёзёвоннинг фахрий фуқа-роси эди. Ранг-рўйидан, самимияти-дан, тўпорилигидан биз чўлиқларга ўхшаб ҳам кетарди, раҳматлик.

Айвонда машинкада машқлар ёзиб ўтирсам, хотиним, қизим ва ўғлим бараварига югуриб чикиди. Хар учаласининг қарашларида аллақан-дай ташвиш бору менга озор бериш-дан қўрқандай оғиз очила олиш-масди. Охири қизим: «Дада, Муҳам-мад Юсуф вафот эттибди», деб қўрқа-нида уйга кириб кетди. Аллақанча мундат каракт юрдим. Кейин ўзимга келиб олиш учун гусул қилиб, ёддан Қуръон тиловат қилдим. Марҳумнинг руҳига бағишладим. Юрагимга қил ҳам сиғмасди. Негадир китоб жаво-нини пайпаслай бошлаб, қўлимга

илинган тўпламни очдим «Осмонимга олиб кетаман».

Эй, менинг жаллодим, эй мехридоним,
Кўким тупроқ менинг, тупроқ — осмоним,
Тилимининг учиди турибди жоним,
Ўп мени, севгилим, ўп, сўнги бор ўп.
Тун деганлари бу — тилсиз бир тилсим,
Тўши тўлик чўгим, ўқим,
Тонгда турарманми, йўқим,
Ўп мени, севгилим ўп,
сўнги бор ўп...

Ҳаёлимга келган саволдан чўчиб тушаман: «Нега шоирларнинг зўри кирчиллама ёшида ўтишаркин-а?». Байрон, Петефи, Гейне, Пушкин, Лермонтов, Есенин, Чўлпон, Олимжон, на-хот энди Муҳаммад Юсуф ҳам.

Олдинга мен боролмасман,
Ўт гуноҳим,
Бир йўқлаб қўй, мен дунёдан ўтган чоғим,
Қабрим узра хилпираб тур,
Муҳаммаддан бўлак дўсти девондан йўқ.

Эркак киши учун энг оғири йилғаш, фарқи йўқ — кўзиндан ёшинг оқиди ми ёки бу ёшлар юрагинг зардоб бўлиб қўйиладими, шундай:

Менинг кимлигимни
Билмайдиган ким,
Мен бир галатиман,

Мен алоҳида. Кўзимнинг ёшини Келади ичгим, Тилимин чинагим келар гоҳида.

Абдулла Орипов шоғирди Муҳам-мад Юсуфга: «Сени мен тўққанман», дер экан. Қизиғи, Муҳаммаджон ҳам Абдулла акага ўхшаб онаизори ҳақида жуда кўп дардли шеърлар ёзди:

Тошқўчанга сочдим, эй ёруғ олам,
Мана, чегарасиз мухаббатимни.
Тун бўйи ўзимга йилғлади онам,
Не қилиб қўйдинг деб... Муҳаммадимни.

Эсингиздами, Оқунжон вафот эт-ганда, радиода, телевидорда, бозор-лардаги магнит тасмаларида хофиз-нинг неғадир ўлим, айрилиқ, хижрон билан боғлиқ қўшиқларини беришди. Ким билди, балки истёрдолди киши-лар озгина башоратчи ҳам бўлишар.

Бош бир кун тош ёстиққа етар,
Рух тўтиси тани тарк этар.
Дейдилар ёш танламас ажал,
Худо билар ким олдин кетар.

Бўлди, бошқа ёзмаймман. Ёзолмай-ман. Қўлимгад тўпламда «Оқибат» шеърининг сўнги тўртлигида қароғим қотади:

Бўлди. Шеърим тамом. Ахир сиз чидаб

Юрибсиз-ку, нима қипти мен юр-сам.

Томоғимда жоним турибди йилғаб, Жондан айрилиман энди гапир-сам!..

Охиратингиз обод бўлсин, деб ду-ога қўл очиб:

Алишер БЕК.



Бу кунларга етганлар бор...

Нўрмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат

КУЗДА ГУЛЛАГАН

(Лавҳа)

Шаҳарда жазирама иссиқ, Ерқишлоқдаги нефтьчилар санаторийси соя-салкин. Мерзие опа бу ерда мана бир хафтадирки мазза қилиб дам оляпти, даволаняпти. Феъли кенг, оқ кунгил бу аёл доим атрофидаги одамларга нима биландир аҳшилиқ қилиш илкинда юрди. У кеча санаторийга келган нурунийнинг фаввора ёнида ёлғиз ўтирганигини қўриб унга яқинлашди.

«А, бобой, зерикмайсанми?» деди қўлим-сирад.

Аскар аканинг қўлиги оғирроқ эди. Кампир-нинг сўзларини яҳши эшитмади. Шундай бўлсада Мерзие опанинг юзига жилмайиб қаради. Нурунийнинг қўлисида жанговар орден ва медаллар поллаб турарди.

«Фронтни экансан-да,- дея кампир унинг ёнига ўтирди. -1944 йили бизни Қримдан департизация қилишганда 14 йилли қиз эдим.

—Уша йили мен Семфиополда эдим,-деди нуруний баяндай овозда.-Сени ўша ерда қўран-дайман...

Мерзие опа ва Аскар ака Семфиополь, урушдан кейинги йиллар ҳақида анча суҳбат-лашди. Шундан кейин сўнг суҳбат яна давом этди. Улар бир-бирларига жуда ўрганиб қолишди. Аскар аканинг умр йўлдоши 1981 йили оламдан ўтганди. Мерзие опа ҳам бир неча йилдирки ёлғиз яшарди.

Бу дунёда ёлғизликдан ёмони йўқ. Атро-финг тўла одам-сен эса ёлғизликдан ўқибди юборинг келади. Боборахим Машраб ҳам «Агар машҳарда оқ урсам тақи ул ховидок ўртар», дея беҳиш оқ чекиман. Ёшимсан, қарим-сан, ёнингда сени тушунадиган йўлдошинг бўлмаса ҳаёт жуда мунгли.

Хуллас, 76 йшли биринчи гуруҳ уруш ноғи-рония Аскар ака Мўйдинов етмиш ёшли Мер-зие Сиддигамова билан турмуш қурди. Нуру-нийнинг асаби анча бўш эди. Кексалиқ, уруш ўз таъсирини қўрсатганди. Мерзие опа бу-ларнинг ҳаммасини яҳши биларди, умр йўлдо-сини оқ ювиб, оқ тарар, инжиқликларига сабр қилар, доим яҳши гапирар, ўзиди бутун меҳ-рини унга беришга интиларди.

Шундай пайлар ҳам бўлдики, Аскар ака бутунлай қўрмай қолди. Кампир уни Жанубий Оламушқудан Андижон шаҳридаги ўзи яшай-диган уйга олиб келди. Умр йўлдошининг ёни-дан бир қадам ҳам нари кетмади, даволани-ши учун елиб-югурди, операция қилишганда жонига малҳам бўлди.

Андижон темир йўл депосида бўлган бай-рон кунлариди шу соҳада кўп йиллар меҳнат қилган Мерзие опани ҳам бутун жамоаси хур-мат билан қўриб олди. Аскар ака умр йўлдо-ши билан дустурхон тўрида тиришди. Ҳам-ма кексалиқда алангалаган бу мухаббатта та-саналор айди. Чиндан ҳам мухаббат ёш та-наламайд.

Қауда олма дарахтининг гуллаган новдала-рига таажуб билан боққанам. Қўзининг совуқ шамолли новдаларини тибратар, гуллар эса улар-га маҳкам ёпишганча ҳаётга интилишарди. Во-ажаб... Дарахт қаузда ҳам гулдайдими...?

Нега гулласанми? Ахир улр шундай гўзал, шундай нафис, шундай беғубор. Қиш балки гулларни ҳазон қилар, бироқ бир лаҳзалик назокат бутун бир умрга тегиб қолмайми?

Андижон шаҳридаги 4-кичи дахнинг 10-йўлида Мерзие опа ва Аскар акалар мана 9 йилдирки, куз шамолларига писанд қилмай шириш турмуш кечиришқоллар.

Тўлқин СИДДИК.



Инсонни тақдир баъзи-да дунёнинг қайси бурчи-га элтади, ўзи билмайди. Кимдир тақдирга тан бе-риб, бировларга меҳр қўйиб, умр бўйи кўнгил узолмай ўша юрда яшаб қоладилар. Дарина опа отаси ҳақида: «У ўзини шу элнинг ўғлиман дерди», дея хотирлайди.

Дарҳақиқат, Жаксон Сидней асли америкалик, 1886 йилда Нью-Йоркда туғилган. Жаксон маш-хур боксчи эди. Россияга бокс бўйича ўтказилган мусобақада қатнашиш учун келади. Бошланган биринчи жаҳон уруши ту-файли уйига қайтолмай қолади. Жаксон Сидней дўст одамларидан «кўеши-лурт» ҳақида эшитидади,

КЎЕШ ЮРТИНИНГ ҚИЗИ

кўнглида ўша ерларни қўриш — танишиш истаги туғилади-ю, йўлга отланади. 1915 йил-да «бир қўриш» учун Ўзбе-кистонга келган Жаксон ма-ҳаллий полвонлар билан ҳамсуҳбат бўлади ва ўзбек-нинг ўлмас спорт ананала-рига қизиқилиш ортади, ўз навбатида бокс мактабига асос солиди, атрофида ма-ҳаллий ёшларни тўплаб, бу амриканни орзу қилиб яша-мадик. Шу юртинг фарзан-ди, элнинг боласи бўлдики, неғакки, ўзбеклар худди кўешида тафти...» дейиша-ди. Оиладаги маънавий му-ҳит Паинада болаликдан шифокорлик касбига ҳавас уйғотди. Ундаги қатъият, ме-тин ирода, илмга ҳавас, яша-ганда ҳам ҳалол яшашга ин-телиш отасининг феъл-атво-

Орамиздаги одамлар

кор, аспирант, ординатор, клиник ординаторлар Паина Сиднейевнадан сабоқ олади-лар, ўз билим тажрибалари-ни ортингадилар. Устоз эса, бутунги кунда юртимизнинг турли тиббиёт маканларида бемор дардига малҳам бўлаётган шоғирдларини долри мутахассислар «биз-нинг устоз, оламиз» дея но-мини хурмат билан тилга оладилар.

Баъзан киши биров билан узок суҳбатлашсада, тезда унутиб юборади. Ле-кин гоҳида ким биландир қисқа мулоқотда бўлсанг-да олам-олам таассурот қола-ди. эслаб юради. Паина Сиднейевна дилқаш, сами-ий суҳбатдош, нанки тиб-биёт балки исталган мазву-да инсонни теран англай оладиган инсондир. Зеро, шифокор учун одамнинг ру-ҳий оламига кирга билиш, беморнинг дадига ярим ташхис демакдир.

Тиббиёт ўзгаришлар дав-рини бошдан кечираяпти, клиник фармакология, хо-рижда ва ўзимизда ишлаб чиқарилаётган дори-дар-монлар устидан изланишда, кишидаги ҳаётга ташналик ҳисси нақадар катта куч, юртга меҳр, элга оқибат эканлигини англайди.

Зеро, унинг «Кўеш юр-тинг қизиман», деган сўзи замирида ҳаётини катта фал-сафаси ётади...

Саида САЙХУН.

ҚАЛАМИ ЎТКИР ЭДИ...

Инсон умрини кимдир дарёга, кимдир қўеши ё елга қийиб этади. Нисбатан қисқа умр қўеся-да, ўзинга хос ижоди билан муҳлислари қалбида ўчмас из қолдириб кетган қаламқашарни кўпинча чақмоққа қийиб эйтишлар-да эса ҳикмат бордек... Осмонда «яқ» этиб, бир лаҳза борлиққа нур улаган чақмоқнинг бутун табиат ҳодисалари орасида ўрни алоҳида! Қўлаб ҳажвий шеърлари ва пародиялари билан эл назарига тушган шоир Уткир Саидов олтишиш ёш остонасида ҳаётдан қўе юмгани ҳақидаги муҳташаб ҳабар вужудини тит-ратиб юборди...

Наҳот, шунча катта-кичи шоирнинг «жиғига тегиб» юрган машҳур пародиячи бу дунёнинг ташвишларида қўе сийлиб кетган бўлса... Бир ойна илгари «Адолат» газетаси таҳририятида учрашган, бир кўр суҳбат қўр-ган эдик-ку?... Хар доимги «инжиқлиги»га бориб, сўнги пайларда газеталарда «пародиябоп шеър»-лар ёлғиздан кейинги қўекириндек қўепагани, бирик-ми «шоирча»ларнинг боллаб пўстугини қўекоқиқ эканини айтиб берган эдик-ку?... Наҳот, наҳот...



Ўткир Саидов.

Хотираси ўзи севган одамлар қалбида муқаддас сақланадиган одам, менимча ўлимдан кейин ҳам барҳаёт бўлиб қолиш учун зарур ишни қилиб қўйган одамдир.

Георг ЭБЕРС,
Немис ёзувчиси.

Валлами Тўхтабоев узок умр қўрмади. Ати-га 43 йил яшади. Ўзил-ларини уйлаш, қиз узатиш ҳам насиб этмади унга. Тили бурро, ақли расо, бир-бирларидан ширин, шўх набиралари-ни ҳам қўрмади, бағри-га босолмай бу дунёдан кетди. Насиба аяни зор-зор йилғатиб қўзини юмди.

Меҳнаткаш инсон, пахта етиштиришда бу-тун вужуд билан иш олиб борадиган, асл дехқон, ҳаракатчан йиг-ит Валлами 30 ёшдаёқ биргина Бекобод тумана-сида эмас, балки Тошкент вилоятига танилган эди. Даласини се-варди, тупроқни муқад-дас деб биларди у. Тех-никага сунъий, аргатех-никага таяниб оқилона иш ташкил этиш Валла-ми Тўхтабоевни машҳур бригада бошлиғи дара-жасигача олиб чикди. Элга танитида, обрў-эътиборга сазовар этди.

Унинг кўксига унвон нишонлари, қўша-қўша орденлар, қўплаб ме-даллар жуда ҳам яра-шарди. Юксак мукофот-ларга, қат-қат фахрий ёрликларга муносиб кўрган эди ўшанда ҳуку-мат уни. Пахтачиликни

ҲАМИША БАРҲАЁТ

кўтариш, «пўлат этак»лардан 200-230 тоннагача «оқ ол-тин» тўқшини Валлами ва тумандаги икки-уч фидойий йигитларгина худдасидан чикишарди халос. Издош-ларни, шоғирдлари фахрла-нишар эди у билан.

Унинг фидокорона меҳ-нати, пахтачиликда эриша-ётган катта муваффақият-лари ўша йиллари муносиб тақдирланди. 1975 йили «Хизмат қўрсатган механизатор» фахрий унвони билан тақдирланди. «Халқлар дўстлиги» орденига сазо-вар бўлди. Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўрғазмасининг бронза медаллари билан мунгофотланди. Халқ депутати сифатида эл хизматига

ди. Қисқа ҳаёт кечирган бўлсада унинг ибратли иш-лари ҳамон кўз ўнгимизда.

Инсон дунёга келиб яшаб, яҳши ном қолдира-сига одамлар, халқ доимо эслаб экан. Валламанинг вафоти «ўлдинг ўчдинг» тарзда бўлмади. Ҳозирда уни бутун қишлоқ, дўстла-ри, яқинлари ёдга олиб, қабрини зиёрат айлашарди. Хонадонларга келиб Наси-бали аядан хол аҳвол сўраб қўнглини кўтаришни ҳеч қанон уништирмайди ҳам.

—Унинг ишига, жамоани моҳирона бошқаришига, айниқса гуркираб ривожла-наётган фўзаларига барча-нинг ҳаваси келарди. Ер билан «галлашарди». Меҳ-

наткаш, тиниб, тинчимас ташаббускор бир одам эди у. «Универсал» тракторини бошқарган. «ОВХ»ни хайдаб ҳашоратларга қарши ку-рашган. Самолёт ёзув ба-рини тўқшишда ўта захарли кимёвий дори селган пайт-лар «сигнал»чи бўлиб «пах-тазорда тик турган,-деб эсга олади дўсти Қарши-бой ака Ербоев.—Хар бир қарич ерни ҳисобга олиб, гектарларда кўчатлар тўлиқ бўлишига ҳаракат қиларди,

маган, иссиқ бағридан тўлақонли бахра олманган кенжа ўғли Аҳроржон го-ҳида онасига-«Дадам ким-га ўхшаб кетардилар» деб сўраб қолади. Ишқилиб сенинг умринг ўхшамасди болагиман» дея ичиди сўзлайди аммо буни фарзанди юзига айтол-майди. Юриш-туриши, сўзлари, дадил ҳаракати феъл-атвори, одамларга муносабати бу навқирон йигитга қўнган. Дадаси амалга оширилмаган, ба-жаришга улгуролмаган ишларни давом эттириш иштиёқи билан яшайди, нафас олади.

Ажойиб инсон, меҳри-бон дўст, бутун умрини пахтачиликни ривожлан-тиришга сафарбар этган асл дехқон Валлами ака-ни хотиралаб рафиллари Насибано аяни кадрлар яқинда Ойбек номили шир-кат ҳўжалигига бўлдики. Бахтин қаранги дўстлари Қаршибой Ербоев, Абду-манноп Абдувалиев, ик-кинчи жаҳон уруши қат-нашчиси Омон ака Қаю-мов, ўғил-қизлари ҳам йўқлаб келишибди. Туман раҳбарлари, тенгдош-лари, қишлоқ аҳлига у ҳақида сўз оinganимизда: «Ҳин инсон, вафодор, йи-мон эътиқоди бут, ҳақиқий меҳнаткаш, сами-ий, халқпарвар киши эди Валлами Тўхтабоев» деган жавоб олдик.

Ҳа, ҳақиқий меҳнаткаш инсоннинг иши, номи ҳам ҳамиша барҳаёт бўлади.

Турсунали УСМОНОВ.

Мийноқлани кўрү фахри-толлар ҳаёт, Сақсон яшар, тўқсон яшар чоллар ҳаёт, Қани Омон, ўт Абдулла, Болбувиқон? Уткир Саид—дўстлариниз кетди қаёни?!

Асли касби педагог бўлса-да, умрини матбуотга баҳши-да этган фидойий инсон Уткир Саидов қарийб чорак аср «Иш-тиҳон овози» газетасида ва ту-ман радиосида фаолият қўрсатган. Уша кезларда Уткир аканинг кўп асарлари шов-шув бўларди. У республика ахамия-тига эга бўлган мақолалари-ни қанда қилмасдан пойтахт шаҳарга юнатарди. «Овгим Иштиҳонда бўлса-да, қалбим Тошкентда!»— дея ҳазиллашиб қўяди гоҳида.—Турмуш таш-вишларига урлашиб, пойтахт-га боролмай қолдим...»

Оташнафас шоирнинг пой-тахтга оёғи етмаса-да, ижодий мевалари бeтўхта «оқиб» ке-лаверарди. «Ўзбекистон адаби-ёти ва санъати», «Қишлоқ ҳаёти», «Туркистон» ва бошқа газеталарда, «Мушук», «Шарқ йўлдузи» журналларида Уткир Саидовнинг ҳажвий шеърлари, пародия ва турли жанрларда-ги мақолалари тез-тез ёритил-лар ва албатта ўз ўқувчисини топарди.

—Ҳажвий, юмористик жанр-лар орасида энг ноziғи —па-родия! Баъзи бўлбейроқ шеър-ларни илмий-таҳлилий мақола ёзиб қилишдан қўра пародия орқали ҳазилчаном танқид қилиш кўпроқ самара бериши шубҳасиз. Етмишинчи йиллар-да «ҳажвий калам»ни қайраб келган Уткир Саидовнинг па-родиялари «нишонга теккан ўқ»дек таассурот қолдиради. Пародия жанри сўнги йиллар-да анча оммалашмоқда. Уткир Саидовнинг издошлари пайдо

бўлмоқда. Шулардан бири—ёш шоир Оллоёр Бегайиев!... Устоз шoirдан жудо бўлган кўни сўна-да, биз дошларидан бири, таникли шоир, Усмо Носир мукофо-ти лауреати Оллоёр Бегайиев «ҳажвий марсия»сида шун-дай сатрлар биттибди:


Кўпчилик шоирнинг оғил тин олди, Қаламини чархлага етгандек фурсат. Менда аччиқнинг ўрни-кин олди: «Ул қаламин ол-да, хунариг қўрсат!» Уткир ака! Сизнинг ўрнингизга биз, Бермайиз шеър богин турли алагас. Қабрингизга ўша «шумгия»лардан—Кўйдиқ «Пародия» деган гўлуста!...

—Устоз пародия жан-рида ўзинга хос мактаб яра-тиб кетган экан, у хали жуда кўп ўткирларни восяга етказа-ди,—деди тушқуликка бе-рилий Оллоёр Бегайиев.— Яҳши хофизинг тери шоғир-дига мерос бўлиб қолгани мисол Уткир Саидовнинг ўткир қаламини ҳеч қанон хор қилиб қўймайми.

У чиндан ҳам кўп «шумгия»-ларни эпикага келтириб ту-ришда давом этаверарди!... Ижодкор умрини чақмоққа ўхшатишлари бежиз эмас. У борлиққа бир бора Уткир нур тортган кўни сўна-да, биз кўп кетмайдик. Жатто, шу чақмоқ ҳақида одамлар эслаб юра-дилар. Худди шунингдек, беиз кетишмаган ижодкор ака-опаларимизнинг ҳам бугун-га «Хотира ва қадрлаш ку-ни»да руҳи шод бўлаётган бўлса ажабмас.


Тўлқин ЭШБЕК.

ҚАДРЛАШ ЭЗГУ ОДАТИМИЗДУР



Фахрийлар ижодидан

ТОНГДА ТУРИБ СЕН УЙИНГДАН ҚАРАЙСАН ЙЎЛГА



Уруш ва меҳнат фахрийси, жангчи шоир Назармат (Згамназаров)ни республикада билмаган, унинг шеърларини ўқимаган, кўшиқларини мириқиб тингламаган одам топилмас керак.

КЎНГИЛ ДЕЮР

Билармисан яратилган сен учун дунё, Ҳар тонг сенга салом берад кўз очиб само, Кеч бошланса ором ол, дер сокин тун сиб,

ЭЛЛАР ВА ЙЎЛЛАР

Замин сокин, гўзал бу дунё, Аҳил, қардош эллар бор учун. Қўшинини йўқлаб доимо, Манзилларга йўллар бор учун.

ЭЗГУ ИШЛАРИНГ ИЛА ЭЛ ФАРЗАНДИ БЎЛИБ ҚОЛ



Тўра Жуман ҳозирги ўзбек шеърятининг кекса авлод вакилларига мансубдир. Иккинчи жаҳон уруши жангоҳларида қўлида қурол билан юрт озодлиги учун курашган.

МУСТАҚИЛЛИК

Кўп ишларни амалга оширди мустақиллик, Қарор топди мустақам бирлик, дўстлик, аҳиллик.

Соғлом муҳитда соғлом бўлди маънавиятлар, Кўпайди мардлик, поклик, одамлилик, саҳийлик.

Кўпайди зукко ёшлар-илмда турли соҳа, Қамайди кўролмаслик, дангасалик, баҳиллик.

Ватани гулгунлар бахти гуллайтиди, Тўра, Дўст қилмоқчи кишиниги бир юриб синаб кўр,

Ошхонага у билан такрор кириб синаб кўр.

Чин инсон ёки ноқас экани билмоқ учун, Олган қарзни вақтида, бермай туриб синаб кўр.

Кўйини пўч ёнгоққа тўлдирувчи йўқ эмас, Базилар сўзда турмай берад фириб, синаб кўр.


Бахтиг қулиб қаттарок вазифа тегиб қолса, Дўст қилмоқчи кишиниги мансаб бериб, синаб кўр.

МАҲАЛЛАНИНГ ЧИРОЙИ

Ёмонларнинг йўқлиги-маҳалланинг чиройи, Уйин бўлган кечаси жанжалсизлар саройи.

Ой чиқмаган тунда ҳам кўчада ёш йигит, қиз, Сайр қилиб бемалол қилаверар хиргойи.

ҚАҲ-ҚАҲА



Бир кўни кекса шифокор- умир йўлоши башорат ая ялингандим деди: -Кекса ёш қолдингиз, энди табибликни йиғиштиринг, чоғини!

Арзиманг иш учун қайнонаси билан уришиб, Бўҳора - отасиникига араблар кетган келиндан хатни тўриқло отага почтачи бериб кетди.

Қатта кўча чеккасида оқ халат кийиб олиб соқаси рафтаган аёлдан талаба сўради: -Олажон, қандайдир қараганми?

Бугун Риҳон хўла, доқонда бўлиб, жуда хурсанд бўлиб келипти, бирор қамеб нарса-ниқ олднингизми дедим?

Кўнгал армони

ОТАЖОНИНГ КЕЛМАС ЭСИНГА...

Отанг боши тегди болиша, Маҳоли йўқ нафас олиша. Сени эслаб тушиди нолиша, Отажонинг келмас эсинга.



Бор бўл менинг тулпорим.

(БАҲИШЛОВ)

АРМОН ТОНГИ

Бу кўҳна дунёнинг бору борлиги сир-синаот. Базан у ҳада этган қувончдан ер-қўқак сиймай сармаст бўлсан. Базиде эса ғам сели остида эзиллиб, андуҳга тўлсан.

Яна ўша Армон тонги кўнглим хотираларини титқилайди. Тўлган кўнглимнинг очгин, Сингилжон! Нахотки, сен хаммасини олдиндан сезган бўлсанг!

Мохира ШАКАРОВА, журналист.

Касбилик Қувват ака Номозов ҳақида нафақат тумандагилар, вилоят марказидаги фаллардан ҳам илик, яхши гаплар эшитганим. Бировлар у кишининг қўли очик, етиму кўнгли яримларга оғзадаги ошини ҳам илинадиган бағри кенг одам деб таърифлашса, шогирдлари меҳрибонлиги, талабчанлиги, одил раҳбар эканлигини таъкидлашарди.

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

Мустақиллик байрами арафасида кўпларга яхшилик қилган, кўплар ҳурмати-га сазовар бу инсон ҳақида мақола ёзиш ниятида Касбига бордим. Байрам муносабати билан ўтказилётган тадбир устидан чиқибман.

Хали мақолани ёзиб улгурмай вилоят рўномасининг бир четида Қувват Номозовнинг вафоти муносабати билан берилган таъзияни ўқиб хангу манг қолдим.

“БИР УМРГА ТАТИГУЛИК ЙИГИРМА ЕТТИ ОЙ”

Профессор Ҳамидулла АКБАРОВ ўзининг ақинида ёзган рисоласининг бир бобида “Бир умрга татигулик йигирма етти ой” деб ном берибди. Эътиборингизга ҳавола қилинаётган парчада киномагистр Фанис Назирова билан қилиниши ҳақида сўз боради.

“1937 йил тўфони мени ҳам ўз домига тортиди. Аксилчилар билан ҳамда миллатчилар ҳибсга олинишга мени ҳам четлаб ўтмадилар. Авақтада 27 ой бўлдим. Сўнгра Ўзбекистон Олий судининг ҳарбий коллегияси томонидан бутунлай оқландим.”

Наби ака “Таржимаи ҳоли”да ўша давларни, авақтага жўналишни дақиқаларини тилга олган экан, биз ҳам рисоламизда 1937 йил 27 сентябр, 1939 йил 15-19 декабр кунларини (27 ойни) таърифламай ўта олмаймиз. Бу ишни бажариш бизга жуда оғир бўлади. Чунки Наби ака дўстим, шогирдим деб билган ошхона терговда мурабийларни, доно ҳамкасбларига қарши сўз айтганлар...

Фаниевнинг шахсий архиви ёқиб ташланди... Буюк санъаткор филлар давомида терговда, судда, сўнгра агентлар назорати остида бўлган соғлиғига путур етказди. Қанчадан-қанча сценарийлар ёзилмай қолди, ҳатто ёзилганлари экран нурини кўрмади, сўрагча олима бошлаган фильм чала қолди.

Судиянинг раҳбарлари тез-тез ўзгариб турар, кадрлар масаласи ҳал бўлмаган, сценарий танқислиги овозили кино пайдо бўлганда, айниқса, сезилиб қолган, техника ожиз, “павильон” эса ниҳоятда тор, жиҳозланмаган, кино тасмаларини қайта ишлайдиган лаборатория ишга тушмаган... Шундай дамда Н.Фаниев биринчи ўзбек овозли бадиий фильми “Мен соткин эмасман”нинг адабий пойдевори муҳокамасида иштирок этиб, эҳтисорли сўз айтди. Терговда эса “рус болшевиғи Кравцов образи бўлишига қарши чиқди”, деб унга айб қўйишди. Ҳозир Юнус билан студияда ижод этмоқчи бўлди. Яна юзига солишди: “қамалган аксилчилар билан дўстлашди, киностудияга олиб келиб, унга боли қилиб берди” деб. К.Яшин билан “Номус ва муҳаббат” сценарийси устида ишлади-ю, ана балога қолди.

Студиянинг ўша кезлардаги директори Х.Енгаличев Фаниевни бу иши учун ҳам қоралади. Фаизулла Ҳўжаев, Акмал Икромов, Сулаймон Ҳўжаев, Ҳозир Юнус каби элдинга занжирбанд қилинганлар билан яқин алоқада бўлган тергов протоколларида қайта-қайта қайд этилди. Асарлари айрим шахслар ҳамда комиссиялар томонидан шундай танқидга учрадики, Н.Фаниев “ҳибс қилинишига”, сиёсий нуқтаи назардан қораланишига ҳеч қим шубҳа ҳам қилмай қўйди... Фильмларда партиявий руҳ етишмаслиги айтаверди. Уларнинг кўпига режиссёр жавоб ҳам бермади. Базан аччиқ қинояга, истеҳзога ўлиб-тошган жумласи билан танқид қанчалик нўрин эканиниги, ўша мунаққид қанчалик саёф қилганини билдириб қўйди... “Адолат” сценарийида ўзбек қизи рус йигитига (агронوم Борисга) турмушга чиқишига, яъни “ҳаёт ҳақиқатига эид” гапирган Н.Фаниевни Одил Шаронов терговда айблади. Сўнгра у “Сталини қораловчи, Троицкийни ақли, доғишманд шахс сифатида таърифловчи латифалар ай

Сайёра ЗОИРОВА.

